

## IATF 16949 СТАНДАРТИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИК ТАРАФЛАРИ

**А.А.Мамажонов**

*Андижон машинасозлик институти МСМСМ кафедраси доценти*

**З.Ф.Хамракулова**

*Андижон машинасозлик институти МСМСМ кафедраси таянч докторанти*

IATF 16949 Сифат Менежменти Тизими. Автомобилсозлик саноати учун бутловчи қисм ва материал етказувчи корхона – ташкилот учун ISO 9001 : 2015 бўйича махсус талаблар. Халқаро стандарт. Техник шарт.

IATF 16949:2016 Сифат менежмент тизими. Автомобилсозлик саноати ва ташкилотлари бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчиларга ISO 9001:2015 ни қўллаш бўйича махсус талаблар. Техник шарт

IATF 16949 -ISO 9001:2015 халқаро стандарти асосида яратилган, автомобилсозлик саноати соҳасига қўйилган талаблар бўлиб:

-автомобилсозлик саноати халқаро мақсадли гуруҳи -IATF

International Automobile Task Force ва

-Япония автомобил ишлаб чиқарувчилари -JAMA Japan Automobile Manufacturers Association ассоциацияси ҳамкорлигида

IATF 176 “Сифат менежменти ва сифат таъминлаш” халқаро стандартлаштириш ташкилоти техник қўмитасининг қўллаб – қувватлашига мувофиқ ишлаб чиқилган.

IATF 16949:2016 Техник шартнинг аҳамиятли ва ақилли ёритилганлигини қўйидаги бандларида кўриш мумкин:

*5.5.1.1 Сифатга жавобгар.*

Маҳсулот сифатига жавобгар ходим, сифат қўламидаги муаммони бартараф этишда ишлаб чиқаришни тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

*6.4.2 Бино-иншоат, хоналарда тозалик.*

Ташкилот маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари ва истеъмолчини маҳсулотга қўйган талабларидан келиб чиқиб, ўз бино-иншоат ва хоналарини тартибли, тоза ва яроқли сақлаши лозим.

*7.3.1.1 Кўп функцияли ёндашув.*

Ташкилот маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кўп функцияли ёндашув тизимидан фойдаланиши лозим, қўйидагиларни ичига олган ҳолда:

- махсус тавсиф мониторинги ва ишланма/созлашлар;

- (FMEA) юзага келиши мумкин бўлган номувофиқлик ва уни оқибатларини ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш қилиш, хавфлар камайтириш бўйича чораларни ичига олган ҳолда;

- бошқариш режасини ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш.

Изоҳ: ташкилотда кўп функцияли ёндашув одатда лойиҳалаш, технология, ишлаб чиқариш, сифат, етказувчи ва бошқа мувофиқ мутахассис ходимлар иштирокини олади.

#### *6.2.2.2 Ходимларни ўқитиш.*

Маҳсулот сифатга таъсир этувчи фаолият кўрсатувчи барча ходимларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжи ва малакасига эришишини белгилаш бўйича ташкилот хужжат ишлаб чиқиши ва ишчи ҳолатида сақлаши лозим. Аниқ ёзилган вазифани бажарувчи, айниқса истеъмолчи талабларини қаноатлантирувчи ходимлар талабларга мувофиқ малакага эга бўлишлари шарт.

1-изоҳ: бу ташкилотнинг барча даражасидаги сифатга таъсир этувчи барча ходимларга нисбатан тегишли.

2-изоҳ: истеъмолчининг махсус талабларга математик ишлов бериш маълумотлари мисол бўлиши мумкин.

#### *6.2.2.3 Иш жойида ўқитиш*

Ташкилот маҳсулот сифатига таъсир этувчи ҳар қандай янгилик ёки ишдаги ўзгаришлар бўйича, иш жойида ходимларни ўқитишини таъминлаши лозим, бунга шартнома ёки агентлик хизмати бўйича ишловчи ходимлар ҳам қиради.

Сифатга таъсир этувчи ходимлар сифат бўйича номувофиқлик истеъмолчи учун қандай оқибатларга олиб келишидан хабардор бўлишлари лозим.

#### *6.2.2.4 Ходимларни рағбатлантириш ва ҳуқуқларни уларга бериш.*

Сифат кўламида кўйилган мақсадларга эришиш, доимий такомиллашти-ришни олиб бориш ва инновацияларни амалга ошириш муҳитини яратиш учун ташкилотда ходимларни рағбатлантириш жараёни бўлиши лозим.

Бу жараён ўз ичига бутун корхона бўйлаб, сифат ва техник хабардорлик-ни тарғибот қилишни олиши лозим.

Ташкилот ходимларни сифат кўламидаги мақсадларга эришишдан

кўшган ҳиссаси ва фаолиятини аҳамияти, ҳамда муҳимлигидан хабардор-лигини ўлчаш даражаси учун жараён ўрнатиши лозим (6.2.2.d).


Автомобилни сифати, фойдаланишдаги хавфсизлиги ва экологик жиҳати етказиш занжиридаги материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар аҳамияти даражасига боғлиқ. Чунки охирги тайёр автомобил нарҳини 30-70% қийматини етказувчиларни маҳсулоти ташкил этади. Автомобилсозлик саноати сифат менежменти тизими стандартини жорий этиш қуйидаги устунликни беради:

- олдини олувчи чораларни қўллаш билан юзага келиши мумкин булган нуқсон ва ўзгартиришлар камаяди;

- доимий такомиллаштириш асосида самарадорликка эришиш ва маҳсулот етказиш занжиридан ортикча ҳаражатларни камаяди;

- иккинчи томон текширувлари камаяди.


Нима учун тизимини тадбиқ этиш керак?




**IATF 16949:2016**  
Автомобилсозлик соҳаси талаблари ўз ичига олган

<b>IAOB</b>	<b>VDA-QMC</b>	<b>ISO 9001</b>	<b>SMMT</b>	<b>CCFA-FIEV</b>	<b>ANFIA</b>
Автомобилсозлик соҳаси	Автомобилсозлик соҳаси	Универсал, Халқаро стандарт	Автомобилсозлик соҳаси	Автомобилсозлик соҳаси	Автомобилсозлик соҳаси
АҚШ миллий стандарти	Германия миллий стандарти		Британия миллий стандарти	Франция миллий стандарти	Италия миллий стандарти


**IATF 16949 нинг махсус қўлланмалари**



### Қўлланилган билиш даражаси



### IATF 16949 тизимини жорий этиш босқичлари



Юқоридагилардан кўриниб турибдики IATF 16949 ни ISO 9001 га солиштирилганда талаблар ҳажми кўп, бу дегани уни жорий этишга кўп вақт лозим бўлади.

Кўп вақт FMEA, SPC, MSA қўлланиларини жорий этишга кетади. SPC ва MSA лар статистик методлар булгани учун, уларга компьютер дастури жорий этиш билан вақт сарфини камайтириш мумкин.

IATF 16949 стандарти бўйича корхона тизимни сертификатлаш - сертификатлаш схемасига мувофиқ жорий ёзувлари камида 12 ойни ичига олиши лозим.

IATF 16949 талабларига мувофиқ сифат менежменти тизимини жорий этиш ўн ойдан ўн саккиз ойгача, ISO 9001 талабларини жорий этганлар учун камида олти ойдан бир йилгача бўлган муддатни олиши мумкин.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. ISO 9001 : 2015 стандарти
2. IATF 16949 стандарти